

бўлишиди.

ААКТ атрофида инфратузилмани яхшилаш, яъни йўллар қуриш ва таъмирлаш, меҳмонхона ва кемпинглар барпо этиш ҳамда сервис хизматини йўлга қўйишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Кўл соҳилида меҳмонхоналар қўришда жойнинг табиий географик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозимдир. Меҳмонхоналар қуришда, кўл ва меҳмонхона ўртасидаги “қулай оралик” зонани топа олиш лозим. Бунинг учун ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб кетмайдиган, кечаси эса кўлдан шамол эсганда кўл чивинлари етиб кела олмайдиган ўзига хос табиий географик ўринга эга бўлган “қулай оралик” зона топиш муҳимдир [3:12].

ААКТ ва унинг атрофидаги экотуристтик ҳудуднинг табиатини томоша қилиш ва белгиланган ҳудудда ов қилиш мақсадида араб сайёҳлари йилда 2 маротаба (баҳор ва куз фаслида) доимий равишда дам олишга келмоқда. Араб сайёҳларини бу ҳудудга қизиқишига, кўл ва чўл манзараларининг ўзаро уйғунлиги ҳамда қушлар оламига бойлиги, қолаверса баҳор ва куз фаслида иссиқ минтақаларга учувчи қушларни ААКТ орқали ҳаракатланишини кузатиш ва баъзи бир рухсат берилган қушларни ов қилиши ҳам доимий равишда қилишига сабаб бўлмоқда. Араб сайёҳлари ов қилишининг энг эътиборли томони шундаки, ов жараёнида асосан ўзлари билан олиб келинган лочин қушларидан фойдаланади. Лочин қушлари билан ов қилиш, ов милтиқлари билан ов қилишга қараганда табиатга катта зарар етказмайди.

Бугунги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизими соҳилларидаги туристик базаларда ҳорижий сайёҳларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (347-сон 22.04.2019) эълон қилиниши ҳамда мазкур қарорга мувофиқ, кўллар тизимини ривожлантириш орқали аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, туризм салоҳиятидан унумли фойдаланилади. Ҳудудда туризмни ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда хаваскор ва спорт балиқ ови туризми йўлга қўйилади [1:8-10].

ААКТ га келувчи сайёҳларнинг аксарияти чўмилиш ва балиқ овлашни мақсад қилиб келади. Чўмилиб

хордиқ чиқариш учун Тузкон кўли энг қулай жой ҳисобланади. Тузкон кўли суви таркибида турли хил минерал элементларга бой бўлиб, агар чўмилган кишининг танасида турли хил тошмалар бўлса, табиий равишда даволаш хусусиятига ҳам эгадир. Қолаверса, Тузкон кўли қирғоқлари қумлар билан қопланганлиги табиий пляж вазифасини ҳам ўтайди.

ААКТда сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатиш учун сувда сузиб юривчи ботел ва флотел меҳмонхоналар ташкил қилиш гояларини ўйлаб қўриш ва уларни амалга ошириш муҳимдир. Кўлга келган сайёҳлар сувда сузиб юривчи ботел ёки флотел меҳмонхоналарда дам оладиган бўлса ўзига хос эгзотик ҳузур бағишлайди. Шу ўринда ботел ва флотел меҳмонхоналар ҳақида маълумот бериб ўтамыз. Ботел - унчалик катта бўлмаган сувдаги меҳмонхона. Жихозланган қулайликларга эга бўлган кема. Флотел - сузиб юривчи меҳмонхона кемаси. Сувдаги улкан отел, махсус жихозланган бўлади. Қулай номерлардан ташқари, яхши дам олиш учун қулайлик яратилган, вақтинчалик офисдан фойдаланиш, оператив восита алоқалари: телефон, ксерокс, факс ва бошқа хизматлар кўрсатилади [1:8-10].

Хулоса. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, вилоятнинг текислик, тоғолди ва тоғли минтақалари гидрографик объектларининг туристик имкониятлари анча қулайлигини ҳисобга олиб, балиқ овлаш ва чўмилиб хордиқ чиқариш ҳамда қадимий гидротехник иншоотларни қўриш каби йўналишларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Юқорида қўриб ўтилган туризм турларидан ташқари Айдар Арнасой кўллар тизимида яна бир неча туризм турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Буларга қуйидагилар қиради:

- Айдар Арнасой кўллар тизимида турли хил сув спорти турларини йўлга қўйиш ва мусобақалар ташкил қилиш;

- Айдар Арнасой кўллар тизимида соҳилида балиқ ва балиқчи таомлардан иборат бўлган гастро туризмни шакллантириш;

- Айдар Арнасой кўллар тизимининг шимоли-шарқий қирғоқларидаги қумли чўлларида барханлар оша халқаро автопойгаларни ўтказиш;

- Айдар Арнасой кўллар тизими атрофидаги чўлларда кенг тарқалган туялардан ҳам сайёҳларни сайр қилиш ва туя сути билан даволашни йўлга қўйиш лозимдир [3:21].

Адабиётлар

1. Usmanov M.R. 2021. The Prospective Of The Development Of Ecotourism In Jizzakh Region. *Journal of Geography and Natural Resources*. 1(01). 8-10.
2. Komilova N.K. (2021). TOURIST DESTINATION AS AN OBJECT OF RESEARCH OF SOCIAL AND ECONOMIC GEOGRAPHY. *Psychology and Education Journal*. 58(1). 2058-2067.
3. Komilova N.K., Matchanova A.E., Safarova N.I., Usmanov M.R., & Makhmudov M.M. 2021. Some socio-economic aspects of gastronomic tourism study. *Estudios de economía aplicada*. 39(6). 12.
4. Усманов М. 2020. Теоретика-методологические вопросы географии экологического туризма. *Архив научных публикаций JSPI*, 1-4.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланиши, Айдар-Арнасой кўллар тизимида туризмни ташкил этиш, экотуризм, туристик маршрутларни ривожлантириш имкониятлари оид маълумотлар келтириб ўтилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье представлена информация о формировании Айдаро-Арнасейской озёрной системы, организации туризма в Айдаро-Арнасейской озёрной системе, экотуризма, возможностях разработки туристических маршрутов.

SUMMARY. This article is presented on the formation of the Aydar-Arnasoy lake system, the organization of tourism in the Aydar-Arnasoy lake system, ecotourism, and the development of tourism routes.

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЖОЙЛАШГАН МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА “Z-SCORE”-ТАҲЛИЛ ВА ПЕРЦЕНТИЛЬ ҚИЙМАТЛАРИ БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ

Н.А.Утемуратов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Ш.С.Хушматов – биология фанлари доктори(DSc)

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги

Таянч сўзлар: Оролбўйи минтақаси, мактаб ўқувчилари (7-11 ёш), жисмоний ривожланиш, “Z-score”-таҳлил, перцентиль тақсимот.

Ключевые слова: область Приаралья, школьники (7-11 лет), физическое развитие, анализ «Z-score», перцентильное распределение.

Key words: Aral region, schoolchildren (age 7-11), physical development, "Z-score" analysis, percentile distribution.


Қириш. Болалар организмнинг меъёрий жисмоний ривожланиши – ҳар қандай жамиятда келажак авлод саломатлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади [8].

Мазкур тадқиқотнинг мақсади – Оролбўйи минтақасида (Мўйноқ тумани, Нукус шаҳри, Элликқалъа тумани) жойлашган мактаб ўқувчиларида

“Z-score”-тахлил ва перцентиль қийматлари бўйича жисмоний ривожланиш даражаси таҳлил қилишдан ташкил топган.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Тадқиқотлар 2019-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар, Нукус шаҳрида жойлашган №8-мактаб, Эллиқалъа туманида жойлашган №20-, №37-мактабларда амалга оширилди.

Тадқиқотларда ўқувчиларда (7-11 ёш) жисмоний ривожланиш даражасини солиштириш асосида баҳолашда центиль коридор жадвали ҳамда БЖССТ томонидан тавсия этилган “WHO AnthroPlus” (v.1.0.4.; 2009 йил) (“Z-score”/перцентиль услуби ёрдамида) махсус дастуридан (“Department of Nutrition, WHO”; 20 Avenue Appia, 1211 Geneva 27, Switzerland) фойдаланилди [2. 3.] (2.4-расм).



1-расм. Антропометрик кўрсаткичларни “Z-score”/перцентиль услуби ёрдамида баҳолашга мўлжалланган “WHO AnthroPlus” (v.1.04) махсус дастури интерфейси умумий кўриниши.

Тадқиқотларда ТВИ қиймати асосида “Z-score”-тахлил услуби (“WHO AnthroPlus” дастури ёрдамида) болалар ва ўсмирларда жисмоний ривожланиш даражасини мониторинг қилишда объектив услуб ҳисобланиши тасдиқланган [4.].

Антропометрик таҳлилларда Кетле II индекси (ТВИ) қийматини баҳолашда стандарт оғиш қиймати (Standard Deviation Score, SDS) асосида “Z-score”-тахлилдан фойдаланилди [5.].

Тадқиқотларда 7-11 ёш диапазонидаги мактаб ўқувчиларининг антропометрик кўрсаткичлари “Z-score” услуби (Standard Deviation Score, SDS) ёрдамида таҳлил қилинди [1.].

$$Z = (E - M) / S \quad (1)$$

Z – “Z-score” қиймати, E – экспериментал қиймат, M – таҳлил қилинаётган кўрсаткич қийматининг медиана қиймати, S – таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг стандарт “Z-score” қийматини фойдалайди, $L \neq 0$ ёки $X = M_{exp}(S_z)L \neq 0$ ҳолатда X қиймати “Z-score” проценти қийматига мос келади.

$$Z = [(X/M)^L - 1] / LS \quad \text{бунда } L \neq 0$$

$$Z = \ln(X/M) / S \quad \text{бунда } L = 0$$

Тадқиқотларда олинган экспериментал натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш “Microsoft Excel 2007” (Microsoft, АҚШ) ва “OriginPro v. 8.5 SR1” (EULA, АҚШ) махсус дастур пакетлари ёрдамида қайта ишланди. Олинган натижалар стандарт услублар ёрдамида математик-статистик қайта ишланди [6.].

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили


Тадқиқотларда Оролбўйи минтақасида (Мўйноқ тумани, Нукус шаҳри, Эллиқалъа тумани) жойлашган мактаб ўқувчиларида “Z-score”-тахлил ва перцентиль қийматлари бўйича жисмоний ривожланиш даражаси таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал. Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) “Z-score”-тахлил ва перцентиль қийматлари ($M \pm m$)


Т/р	Физиологик ёш гуруҳлари (йил)	“Z-score” мезонлари қийматлари (SDS)		
		WAZ	HAZ	BAZ
		Перцентиль қийматлар		
Ўғил болалар (n=134)				
1.	7	0,50	0,59	0,21
		69,20	72,10	58,30
2.	8	0,69	0,29	0,72
		75,60	61,4	76,40
3.	9	0,36	0,60	0,04
		64,00	72,70	51,60
4.	10	0	0,12	−0,21
		50,00	54,70	41,70
5.	11	0	−0,69	−0,56
		50,00	24,40	28,70
Қизлар (n=116)				
6.	7	−0,35	−0,78	0,20
		36,50	21,60	58,00
7.	8	−0,24	−0,81	0,34
		40,40	20,90	63,20
8.	9	−0,13	−0,34	0,08
		44,80	36,70	53,30
9.	10	0	0,54	−0,01
		50,00	70,70	49,80
10.	11	0	−0,25	−0,02
		50,00	40,20	49,20

Изоҳ: SDS – Standard Deviation Score (стандарт оғиш қиймати), WAZ – Weight for age Z-score (физиологик ёш бўйича тана вазни), HAZ – Height for age Z-score (физиологик ёш бўйича бўй узунлиги), BAZ – BMI for age Z-score (физиологик ёшга нисбатан ТВИ). Бунда “WHO AnthroPlus” дастури интерфейсида WAZ қиймати $-2SDS \dots +2SDS$ ҳолатда “меёр”, < -2 ҳолатда “тана вазни дефицити” ёки озғинлик, > 2 ҳолатда “ортиқча тана вазни” (семизлик) сифатида баҳоланди. HAZ қиймати $-2SDS \dots +2SDS$ ҳолатда “меёр”, < -2 ҳолатда бўй “меёридан паст”, > 2 ҳолатда бўй “меёридан узун” сифатида баҳоланади. BAZ қиймати $-2SDS \dots +1SDS$ ҳолатда “меёр” сифатида баҳоланди [5.].

Шундай қилиб, Мўйноқ туманида жойлашган №2, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) антропометрик кўрсаткичлар ўртача қийматлари бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари таҳлили ўртача меъёр диапазонида бўлиши аниқланди (1-расм, 2-расм).



1-расм. Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7 ёш, n=23) “Z-score”-таҳлил номограммаси. I. WAZ – Weight for age Z-score (физиологик ёш бўйича тана вазни) мезони бўйича. II. HAZ – Height for age Z-score (физиологик ёш бўйича бўй узунлиги) мезони бўйича. III. BAZ – BMI for age Z-score (физиологик ёшга нисбатан ТВИ) мезони бўйича.



2-расм. Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7 ёш, n=23) перцентиль-таҳлил номограммаси. I. WAZ – Weight for age Z-score (физиологик ёш бўйича тана вазни) мезони бўйича. II. HAZ – Height for age Z-score (физиологик ёш бўйича бўй узунлиги) мезони бўйича. III. BAZ – BMI for age Z-score (физиологик ёшга нисбатан ТВИ) мезони бўйича.

Таҳлиллар давомида Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) тана вазни бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари тақсимои куйидаги кўринишга эгаллиги қайд қилинди (2-жадвал).

2-жадвал. Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) тана вазни бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари тақсимои

Т/р	Ёш (йил)	“Z-score” қийматлари						
		-3SDS	-2SDS	-1SDS	0 (Медиана)	+1SDS	+2SDS	+3SDS
		Перцентиль қийматлари						
		1	3	15	50	85	97	99
Ўғил болалар (n=134)								
1.	7	19,10	20,16	22,57	24,46	25,19	32,80	37,06
2.	8	22,16	23,01	24,93	28,10	30,12	44,36	48,35
3.	9	24,52	25,07	26,54	30,30	32,03	42,82	44,73
4.	10	25,17	25,72	27,18	31,80	33,07	47,15	48,60
5.	11	27,00	27,16	30,44	32,08	36,63	50,87	51,03
Қизлар (n=116)								
6.	7	19,05	20,14	22,59	24,00	33,10	38,45	39,04
7.	8	23,18	23,61	24,89	27,10	27,40	39,68	41,12
8.	9	22,37	22,92	28,16	30,50	28,35	48,79	50,03
	10	23,11	24,03	32,84	33,07	36,53	47,14	49,14
9.	11	24,08	25,18	32,04	34,12	37,75	48,00	48,95

“Z-score” қийматлари бўйича -1SDS...+1SDS диапазон, шунингдек перцентиль коридор қийматлари бўйича 15–85 диапазон қийматлари “меъёр”, -3SDS ёки 1 перцентиль қиймат диапазони “меъёрга нисбатан паст”, +3SDS ёки 99 перцентиль коридор диапазони “меъёрга нисбатан юқори” сифатида қабул қилинди.

Бунда Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) тана вазни бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари тақсимои таҳлили асосида, ўғил болалар контингентида тана вазни дефицити (озгинлик) кузатиловчи ўқувчилар улуши 17,16% (23 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга бўлганлар улуши 10,45% (14 нафар) ни ташкил қилиши аниқланди.

Шунингдек, мазкур мактабда қизлар (7-11 ёш) контингенти таркибида тана вазни дефицити (озгинлик) кузатиловчи ўқувчилар улуши 22,41% (26 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга бўлганлар улуши 13,79% (16 нафар) ни ташкил қилиши қайд қилинди.

Навбатдаги тадқиқотлар серияси давомида Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) бўй узунлиги бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари тақсимои таҳлил қилинди (3-жадвал).

3-жадвал. Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) бўй узунлиги бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари тақсимооти

Т/р	Ёш (йил)	“Z-score” қийматлари						
		-3SDS	-2SDS	-1SDS	0 (Медиана)	+1SDS	+2SDS	+3SDS
		Перцентиль қийматлари						
		1	3	15	50	85	97	99
Ўғил болалар (n=134)								
1.	7	115,05	114,16	119,47	124,50	135,16	140,08	141,12
2.	8	123,85	124,10	125,49	128,23	130,10	141,00	142,17
3.	9	127,43	127,88	130,24	136,70	146,78	150,02	151,14
4.	10	129,36	130,15	138,12	139,91	148,13	153,82	155,04
5.	11	131,29	132,80	134,52	140,90	150,11	158,90	160,08
Қизлар (n=116)								
6.	7	112,06	114,43	117,28	122,40	125,36	130,21	134,25
7.	8	123,50	123,78	125,43	127,70	132,07	140,52	142,83
8.	9	121,55	122,31	126,92	135,60	140,26	146,70	148,02
	10	126,48	127,03	128,90	141,70	144,60	159,86	161,32
9.	11	130,11	132,68	137,83	141,90	146,89	152,00	153,61

Бунда Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) бўй узунлиги бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари тақсимооти таҳлили асосида, ўғил болалар контингентида бўйи паст ўқувчилар улуши 13,43% (18 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга бўлганлар улуши 8,21% (11 нафар) ни ташкил қилиши аниқланди.

Шунингдек, мазкур мактабда қизлар (7-11 ёш) контингенти таркибида тана вазни дефицити (озғинлик) кузатиловчи ўқувчилар улуши 12,93% (15 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга бўлганлар улуши 10,34% (12 нафар) ни ташкил қилиши кайд қилинди.

З.Кудайназарова ва бошқ. томонидан амалга оширилган тадқиқотларда Қорақалпоғистон Республикасида болаларда жисмоний ривожланиш бўйича ўсиш-ривожланишдан сезиларли даражада орқада қолиш кайд қилинган [7].

Хулоса. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйи минтақаси Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) антропометрик кўрсаткичлар ўртача қийматлари бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари таҳлили ўртача меъёр диапазонида бўлиши, тақсимооти таҳлили асосида, ўғил болалар контингентида тана вазни дефицити (озғинлик) кузатиловчи ўқувчилар улуши 17,16% (23 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга бўлганлар улуши 10,45% (14 нафар) ни ташкил қилиши аниқланди.

Қизлар (7-11 ёш) контингенти таркибида тана вазни дефицити (озғинлик) кузатиловчи ўқувчилар улуши 22,41% (26 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга

бўлганлар улуши 13,79% (16 нафар) ни ташкил қилиши кайд қилинди.

Шунингдек, ўқувчиларида (7-11 ёш) бўй узунлиги бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари тақсимооти таҳлили асосида, ўғил болалар контингентида бўйи паст ўқувчилар улуши 13,43% (18 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга бўлганлар улуши 8,21% (11 нафар) ни ташкил қилиши аниқланди.

Қизлар (7-11 ёш) контингенти таркибида тана вазни дефицити (озғинлик) кузатиловчи ўқувчилар улуши 12,93% (15 нафар) ни, ортиқча тана вазнига эга бўлганлар улуши 10,34% (12 нафар) ни ташкил қилиши аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани, Нукус шаҳри ва Эллиқалға туманларида жойлашган мактабларда ўқувчиларда (7-10 ёш) антропометрик-физиометрик тадқиқотлар натижасида олинган натижалардан Оролбўйи минтақасида болалар ва ўсмирларнинг антропо-физиометрик мониторинг стандарт меъёрларини ишлаб чиқишда, Оролбўйи минтақасида жойлашган мактабларда ўқувчиларида антропо-физиометрик таҳлиллар асосида саломатлик ҳолатини мониторинг қилиш, эҳтимоллиги мавжуд патологик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, Оролбўйи минтақасида жойлашган мактабларда ўқувчилари саломатлигини сақлаш мақсадида овқат рацони ва овқатланиш режимини ишлаб чиқишда, Оролбўйи минтақасида жойлашган мактабларда таълим жараёнини режалаштиришда ўқувчиларнинг яқка тартибдаги антропо-физиометрик кўрсаткичларини инобатга олишда фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар

1. Gunoz H., Bundak R., Furman A., Darendeliler F., Saka N., Bas F., Neyzi O. Z-score reference values for height in Turkish children aged 6 to 18 years // Journal of Clinical Research in Pediatric Endocrinology. -2014. -V.6(1). -P.28-33.
2. De Onis M., Garza C., Onyango A.W., Borghi E. The Journal of Nutrition Symposium: A New 21st-century International growth standard for infants and young children comparison of the WHO child growth standards and the CDC 2000. Growth Charts // J. Nutr. – 2007. V.137. – P.144-148.
3. WHO growth reference 5-19 years. Application tools // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.who.int/growthref/tools/en/> Дата обращения: 27.04.2022.
4. WHO child growth standards: Growth velocity based on weight, length and head circumference: methods and development. Geneva: WHO; 2009 // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.who.int/childgrowth/software/en/> Дата обращения: 01.08.2023 г.
5. WHO. “AnthroPlus” for Personal Computers Manual: Software for Assessing Growth of the World’s Children and Adolescents; WHO: Geneva, Switzerland, 2009. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.who.int/entity/growthref/tools/who_anthroplus_manual.pdf. Дата обращения: 26.04.2023.
6. Гланц С. Медико-биологическая статистика. –Москва: «Практика», 1999. – С.250-459.
7. Кудайназарова З.Б., Кутлымуратов М.Т., Орынғалиева Н.Д. Физическое развитие детей до 5 лет, проживающих в Республике Каракалпакстан. // Doktor axborotnomasi. 2015. №3. – С.88.
8. Рахимов М.И. Показатели физического развития детей и подростков 516 лет. // Филология и культура. 2011. №24. – С.57-59.

РЕЗЮМЕ. Тадқиқотларда Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйи минтақаси Мўйноқ туманида жойлашган №2-, №3-мактаблар ўқувчиларида (7-11 ёш) антропометрик кўрсаткичлар ўртача қийматлари бўйича “Z-score”-таҳлил ва перцентиль қийматлари таҳлили ўртача меъёр диапазонида бўлиши, тақсимооти таҳлили асосида кайд қилинди.

РЕЗЮМЕ. В исследовании проведен Z-score-анализ и анализ процентильный анализ средних значений антропометрических показателей учащихся школ №2 и №3 (7-11 лет), Муйнакского района Республики Каракалпакстан, учитывались результаты на основе анализа распространения.

SUMMARY. In the study, a Z-score analysis and analysis of the percentile values of the average values were carried out anthropometric indicators for students of schools No. 2 and No. 3 (7-11 years old) located in the Moinak district of the Aral Bay. regions of the Republic of Karakalpakstan were taken into account on the basis of distribution analysis.

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALIQ ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwqıylıq

GLOBALLASIW DAWIRINDE MILLIY, REGIONALLIQ QÁDIRIYATLARDIŇ ÓZ ARA BAYLANISI

A.Allambergenov – *filologiya ilimleri kandidati, docent*

Muhammed al-Xorezmiy atındaǵı Tashkent informaciyalıq texnologiyaları universiteti Nókis filiali

Tayanch so'zlar: qadriyat, milliylik, regionallik, ma'naviyat, civilizatsiya, xalq, erkinlik, ilm, madaniyat, urf-odat, insoniylik.

Ключевые слова: ценность, национальность, регионализм, духовность, цивилизация, народ, свобода, наука, культура, традиции, человечность.

Key words: value, nationality, regionalism, spirituality, civilization, people, freedom, science, culture, traditions, humanity.

Joqarı mánáwiyatlı insan búgingi kún hám keleshek haqqında pikir júritedi, qayǵıradı, sonıń menen birge keleshekтегі ómir hám turmıstıń rawajlanıwı ushın óz úlesin qosıwǵa umtıladı. Sonlıqtan, ǵárezsiz mámleketimizdiń keleshegi ushın mánáwiyatı joqarı, nawqıran insanlar zárúr.

Mánáwiy qádiriyatlar hám milliy ózlikti ańlaw tınıshlıq hám rawajlanıwdıń bas shártı bolıp, xalıq sanasınıń ósiwi hám ómir hámde turmıs mádeniyatınıń rawajlanıwında zárúr áhmiyet dóretedi.

“Mánaiyat-insandı ruwxıy páklew, qálbin oyatwǵa shaqıratuǵın, adamnıń ishki dúnyası, jigeri bekkem, iyman-isenimin pütün etetuǵın, hújdanın oyatatuǵın qúdiretli kúsh, onıń barlıq kózqaraslarınıń ólshemi” [1] degen edi mamleketimizdiń birinshi Prezidenti I.Karimov.

Usı orında bir nárseni ayırıqsha eskertiw lazım, xalqımız hár qanday shárayatta da bir ómir óziniń diniy isenimin abaylap hám álpeshlep kelgen, mánáwiy qádiriyatların qádirlengen. Olar bul jolda janın hám ayamaǵan: Abdulla Qodiriy, Sholpan, Fitrat, Elbek, Usmon Nosir, Allayar Dosnazarovlar kibi júzlep ziyalı hám mámleketlik iskerlerdiń keshirmeleri usı pikirimizdiń anıq dáliyli boladı.

Ǵárezsizlik sharapatı menen tiklengen biybaha qádiriyatlar haqqında kóp ayıp atırımız. Ǵárezsizlik bizge tariyx haqıyqatın tiklew, milliy, mádeniy miyrasları úyreniw hám qalıs bahalaw imkánın berdi.

Ómirimizge bir názer salayıq: bunnan otız jıl aldın kim edik, házir kim boldıq! Taǵdirimiz, erkimiz kimlerdiń qolında edi? Tilimiz, dinimiz qay ahwalǵa túsip qalǵanı esimizden shıqtıma? Imam al-Buxariy kibi ullı muhaddislerimizdiń muqáddes qábirleri wayran, tikenekzar bolıp jatqanın umıta alamızba? Húkim etip turǵan siyasatqa sál qaysı keletuǵın ápiwayı bir gáp ushın xalqımızdiń hasil perzentleri repressiyaǵa ushıraǵan, kópshilik adamlar eki júzlemshilik, jalpıdaqıq penen kún keshirgen dáwirler ele esimizden kóterilgen joq.

Ǵárezsizlikke eriskenimizge tariyxta júdá qısqa waqıt bolsada, keleshegi ullı mámleket qurıw jolında, mámleketimiz puxaraları jámiyetimizdiń rawajlanıwına jaqsı úles qosıwǵa umtılmaqta. Oytkeni, bizdegi tınıshlıq hám rawajlanıwdıń baslı sebebi mánáwiy qádiriyatlar hámde milliy ózlikti ańlaǵanımda.

Hár bir aqıllı insannıń, jámiyetimizdiń muqáddes wazıypası, aytıwımız múmkin, ómirdiń mánisi-aqıllı perzentler ósiriw, olardı hám fizikalıq, hám mánáwiy jaqtan jetik etip tárbiyalaw, kamalǵa jetkenin kóriw, ata-anasına, Watanına sadıq adam etip kamalǵa jetkiziwden ibarat. İnsannıń mánáwiy, minez-xulqınıń kamalı sonday keń, sonday quramalı, mazmun-mánisi jaǵınan tereń túsiniq esaplanadı.

Jámiyetimizde júz berip aturǵan mánáwiy jaqtan jetilisiw, insannıń minez-xulqınıń, oy-pikirińni, siyasiy jaqtan jetilisiwi, mámleketimizde ámelga asırılıp aturǵan milliy oyanıw processleri menen úziksiz baylanıslı.

Házirgi zaman dúnya civilizaciyası rawajlanıw mashqalaları hám keleshegi ulıwma insaniylyq mánáwiy qádiriyatlardıń áhmiyetin belgili dárejede asırdı hám olardı dúnya civilizaciyasınıń tirishilik zárúrligine aylandırdı. Sebebi, bul mashqalalar tek ǵana jer júzindegi barlıq

xalıqlar hám mámleketler birgelikte awızbirshilik penen ǵana sheshiwleri múmkin.

Urp-ádet hám dástúrleri, dini, tariyxıy ótmishleri, social-ekonomikalıq hám mánáwiy qızıǵıwshılıqları hár qıylı, hátteki, bir-birlerine qarsı bolǵan millet hám illetlerdi rawajlanıwdıń túrli basqışında, hátteki, qarama-qarsı social-ekonomikalıq dúzimde turǵan xalıqlardı bir-birine jaqınlastırdı, olardı qaysı millet hám elatqa, klass hám sociallıq toparǵa tiyisli bolıwına qaramastan bir insan perzentı ekenliklerin seziwi oǵada áhmiyetli.

Jer júzindegi xalıqlarda ele tariyxıy ótmishtıń izleri kúshli bolıp, olar bir insan perzentleri ekenin seziw dárejesine shekem rawajlanbaǵan. Buǵan erisiw ushın jer júzindegi bárshe xalıqlar alimlarınń mánáwiy qádiriyatlardıń payda bolıwı, olardıń quramalı rawajlanıw jolına, mazmun hám kórinislerine baǵıshlangan ilimiy-izleniw jumısların kúsheyttiriw hámde olardıń nátiyjelerin miynetkesh xalıq arasında jayıw hám túsindiriw jumısların keń kólemde alıp barıw lazım. Sonıń menen bir qatarda bul jumıslardı mámleket siyasatı dárejesine kóteriw zárúr.

Insanlar qaysı topar hám sociallıq qatlam, qaysı din, elat hám millet wákilleri bolıwına qaramastan, olar tábiyatıń ózine tán bir bólegi sıpatında óziniń sociallıq hám biologiyalıq áhmiyeti jaǵınan bir pütünlikti quraydı, bul jaǵday ulıwma insaniylyq xarakterge iye bolǵan mánáwiy qádiriyatlardıń qalıplesiwine alıp keledi. Bunday qádiriyatlar olardıń sociallıq tábiyatına mas bolıp, olardan ajralǵan halda bolmaydı.

Ulıwma insaniylyq qádiriyatlar insaniyattıń jarqın keleshegińni kórinisi esaplanadı. Házirgi kúnniń ózinde-aq olar túrli millet hám elatlardıń túrli social-ekonomikalıq dizimindegi xalıqlardıń tınısh-tatıw jasawdaǵı olardıń birgelikte hám awızbirshilikte házirgi zaman mashqalaların hám wazıypalardı bir jaqlı qılıwdaǵı áhmiyetli bir mánáwiy quralǵa aylanıp barmaqta.

Ǵárezsizliktiń dáslepki jıllarınan baslap dawam etip kiyatırǵan qutlı dástúr-ullı babalarımız dúnyaǵa dańq shıǵarǵan, jáhán jámaátshiligi álleqashan óz muqaddes mülki dep tán alǵan mánáwiy miyras iyeleriniń yubileylerin mámleket hám jáhán kóleminde nıshanlaw haqqındaǵı pırmanlar hám olardıń orınlanıwı áyne usı másele - milliy mánáwiyatımız negizlerine pútkil xalqımız hám birinshi nábette, jas áwlad itibarın qaratıw maqsetin kóзде tutadı.

Hesh bir xalıq dúnyada jeke jasamaydı, jalǵızlıqta rawajlanbaydı da. Elat hám milletler hámıyshe óz ara túrli múnásibetlerde boladı hám tariyx dawamında bir-birine tásir ótkizip, ózlerin de, ózgelerdi de mánáwiy bayıtıp baradı. Biraq, hesh qashan hesh bir xalıq ózliginen pútkil waz keship, basqa xalıq mánáwiyatı esabınan ózin bayıtı alǵan emes.

Jeke bir shaxs pútkil ózge bir mánáwiy bir ortalıqta tárbiya alıp, oǵan tolıq maslasıwı múmkin. Biraq, pütün bir xalıq tolıǵınsha ózliginen keship, ózge xalıq mánáwiy dúnyasın qabil qılsa, demek, onday xalıq joq boladı.

Tán alıw kerek, eski dúzim waqtında alimlarımız hám tariyxshılarımız qanshelli pák, qanshelli haqqóy bolsada, ájdadlar miyrasına qalıs jantasıw imkánına iye emes edi. Olar bazıda ózleri tuwrı dep oylǵan halda, bazıda májbúrlikten bardı joq, joqtı bar qılıp kórsetken. Ájdadlarımız sózlerin qalıs, sol aymaq mánáwiyatınıń